VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

8 (17) 2009 йил 25 февраль, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz




### Аёллар фаоллигини ошириш

ЎзМТДП Дастурида белгиланган бўлиб, бу борада жойларда тадбирлар ўтказилмоқда.

→ 3-бет



### Шонли тарих, буюк келажак уйғун

Мустақиллик йилларида ёшларнинг кенг ва чуқур билим олишлари, камолотга етишишлари, айниқса иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

→ 4-бет



### Малакали мутахассислар маскани

Бугунги кунда республикамизнинг вилоят, туман марказларида, ҳатто чекка қишлоқларда ҳам жаҳон андозаларига мос академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда.

→ 6-бет

MT БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
- Келажак олдида барчамиз масъулмиз

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
- Қуйи бўғинлар фаолияти
- Аждодлар мероси ардоғимизда
- Ҳуқуқий маданият

МАЪНАВИЯТ 4-бет
- Замахшарий биз учун нимага азиз?
- Маҳалла аҳли билан учрашув

ЖАРАЁН 5-бет
- Адвокатура институти
- Одам савдоси — давр муаммоси
- Тошкент экологияси: менинг уйим, менинг шаҳрим

ТАЪЛИМ 6-бет
- Улар қишлоқнинг кўркига айланмоқда
- Табобатга бахшида умр

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН 7-бет
- Инвестиция
- Музликлар
- Дунёдан дараклар

РЕКЛАМА ВА СПОРТ 8-бет
- "Анда жоним қолди мани..."
- Янги номлар кашф этилди
- Турфа олам

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

# Фракция йиғилиши

## муҳокамаси чоғида депутатларнинг сайловчилар билан бўлиб ўтадиган учрашувларига алоҳида эътибор қаратилди

**Камолиддин ҲОТАМОВ, «Milliy tiklanish» мухбири**

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси навбатдаги йиғилишида, Қонунчилик палатаси ялпи йиғилиши муҳокамасига киритилиши назарда тутилаётган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Хуршид Дўстмуҳаммедов бошқарди.**



Йиғилиш биринчи ўқишда қабул қилинган "Коллекторлик фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Коллекторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг "Банк сири тўғрисида"ги Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари муҳокамаси билан бошланди. Ушбу масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Алиқул Эрданаев маъруза қилди. Депутатлар қонун лойиҳасини takомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар билдирдилар.

Шунингдек, йиғилишда фракция аъзолари томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ишчанлик руҳида кўриб чиқилди.

Фракция йиғилишида муҳокама қилинган қонун лойиҳалари биринчи ўқишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари, партиялар фракциялари ҳамда ялпи йиғилишда муҳокама қилинган эди. Ишчи гуруҳи томонидан тушган таклифлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда иккинчи ўқишга тайёрланган таҳрир фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди ва қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда партия ва фракция фаолиятига таааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Хусусан февраль ойининг охирги ҳафтасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз сайловчилари билан бўлиб ўтадиган учрашувларида эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашилди. Маълумки, аҳоли ўртасида партия ғояларини кенг тарғиб қилиш, белгиланган ,дастурий мақсадларни амалга оширишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг алоҳида ўрни бор. Шу .ҳақда ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси Раиси Ахтам Турсунов фикр билдирар экан, жумладан шундай деди:

- Биз сайловчилар билан учрашувларда нафақат Қонунчилик палатаси депутати сифатида, балки партия номидан ҳам гапиришимиз керак. Аввало депутатлар жойларга борганда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларга, шунингдек, "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида белгиланган муҳим масалалар моҳиятини очиб беришга эътибор қаратиши лозим.

Йиғилишда депутатлар учрашувлар давомида парламент ҳаёти, ўтган вақт мобайнидаги ўз депутатлик ҳисоботи билан биргаликда сайловчиларга мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, айниқса бугун кўпчиликни қизиқтираётган масалалардан бири — жаҳонда юзага келган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизда иқтисодиётни инқироздан ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан кенгроқ тушунчалар берилиши уқтирилди.



Йиғилиш сўнгида муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари ишлаб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.



ЖАРАЁН

# Маънавий камолот кўзгуси

## Мустақиллик даврида аёлларимиз мавқеи юксалди



**Мунирахон ҚОРИЕВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

Мамлакатимизда аёлларнинг мавқеини ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини демократик қадриятлар асосида оширишга қаратилган ҳуқуқий, сиёсий ва ижтимоий шарт-шароитлар миллий мустақиллик даврига келиб шаклланди. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш стратегиясининг ажралмас қисмини ташкил этган жамиятда аёлларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий мавқеи мутлақо ўзгача мақомга кўтарилди. **"Дунёда жамият ёки давлатнинг нуфузини, маданий даражасини белгилайдиган мезонлар кўп"** – деб уқтиради Президентимиз Ислом Каримов. – **"Лекин ҳар қандай замонда, ҳар қандай жамиятда миллатнинг, ҳалқнинг маънавий камолотини ўзида яққол намоён этадиган бир ўлчов, таъбир жоиз бўлса, бир кўзгу бор. Бу - ана шу давлат, ана шу жамиятнинг аёлларга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳаётий манфаатларини таъминлашга бўлган муносабатидир"**.

Табиий, бундай сиёсатнинг ҳаётга жорий этилиши ўз-ўзидан амалга ошиб қолмади албатта. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатнинг аёлларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги муайян тизим кўринишини олди. Чунончи, оиланинг, жамиятнинг ва давлатнинг тараққиёти аёлнинг ва ёш авлоднинг соғлиги билан бевосита боғлиқлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Таъбир жоиз бўлса, аёлни ҳар томонлама эъзозлаш, парваришлаш ва соғломлаштириш турдош ва эгизак тушунчаларга айлана бошлади. 1993 йили Ўзбекистонда аёлларни тақдирлаш учун биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.

(Давоми 2-бетда)

САНОАТ

# Ўзидан кўпайган корхона

## Бундан атиги икки йил бурун ташкил этилган кичик цехда яқин кунларда кунига юз минг дона полипропилен қоп ишлаб чиқариш йўлга қўйилади

**Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи, "Milliy tiklanish" мухбири**

**Бутун дунёда, ҳатто, ривожланган давлатларда ҳам иқтисодий кризис туфайли жуда кўп етакчи, айтиш мумкинки нуфузли корхона, ташкилотлар зарар кўраётган, оммавий ишсизлик ҳолатлари юз бераётган бир даврда мамлакатимизда янги корхоналар бунёд этилаётгани, янги иш ўринлари яратилаётгани қувонарли ҳолдир. Бу албатта мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида юритилаётган оқилона сиёсатнинг, биз танлаган йўлнинг тўғри эканлиги, бир сўз билан айтганда ўз вақтида кўрилган чора-тадбирларнинг ҳосиласидир.**

Халқимизда кимнидир алқаш лозим бўлса, ўзидан кўпайсин деб дуо қилишади. Биз буни бекорга эсламадик. Чунки...



Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Тўқайтепа" маҳалласи ҳудудида жойлашган полипропилен қоп ишлаб чиқариш цехининг иш бошлаганига энди икки йилдан ошди. Бироқ, мазкур цехнинг мамлакатимиз цемент саноатида муҳим ва муқим ўрин тутган энг йирик корхона-"Қизилқумцемент" ОАЖга қарашли эканлигини ҳамма ҳам билмаса керак. Биз бугун ана шундай, яъни ўзидан кўпайган гигант корхонанинг кичик бир бўлаги, унинг фаолиятию ютуқлари ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдик.

(Давоми 8-бетда)

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

ЖАРАЁН

## Маънавий камолот кўзгуси

### Мустақиллик даврида аёлларимиз мавқеи юксалди



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддалари аёлларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш руҳи билан суғорилганлиги, жумладан, аёллар ва эркаклар тенглигини таъкидловчи, аёлларнинг жинсий жиҳатдан камситилишини таъқиқловчи қоидаларни ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Бош Қомусимизнинг 65-моддаси 2-бандида зикр этилган «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» деган жумланинг ўзиёқ давлатнинг аёллар ҳуқуқини таъминлашнинг асосий кафолатловчи институти эканлигини англатади. Кейинроқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ҳам Конституцияда белгилаб берилган аёл ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлади.

Ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол, етук ва салоҳиятли аёлларнинг бошқарув лавозимларига кўтарилишлари тизимини яратишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартда эълон қилинган «Давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этди. Фармоннинг ҳаётий моҳияти аёлларнинг давлат ҳокимияти органларидаги нуфузли лавозимларни эгаллашга ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий, ҳам табиий имконияти мавжудлигидан келиб чиққан, қолаверса, аёлларнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

Жамиятда аёллар билан эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш борасида, бир томондан, аёлларга билим олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, меҳнат учун ҳақ олиш, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун эркаклар билан тенг имкониятлар яратилган бўлса, иккинчи томондан, аёлларнинг оиладаги ўрни, жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, уларга меҳнат қилишда, соғлигини сақлашда қулай шароитлар ва имтиёзлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, қисқартирилган иш куни, ёш болали оналарга уч йилгача бола парвариши билан шуғулланиш учун таътил белгилаш, ижтимоий ҳимоя сифатида турли нафақалар бериш сингари имтиёзлар ва ҳоказо қўшимча моддий-маънавий рағбатлантириш чоралари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан аёлларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор муҳим қарорлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалик оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга оширилган Давлат дастури тўғрисида»ги, «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, 1998 йилни «Оила йили», 1999 йилни "Аёллар йили" деб эълон қилиниши XXI аср бошларидаги Ўзбекистон аёлларининг жамиятдаги ўрнининг янада юксалишига, уларга тараққий этган давлатларга хос бўлган шарт-шароитлар яратилишида кенг имкониятлар яратиб берди.

1999 йилда «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Унга биноан, 3 ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатига тўланадиган иш ҳақлари камайтирилмаган ҳолда улар иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан оширмайдиган чегараланган қатъий меъёри белгиланди.

2004 йилдан бошлаб «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ислоҳотларнинг таркибий қисмларидан бири сифатида аёллар фаоллиги ва ижтимоий-сиёсий мавқеини янада оширишга доир ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши фикримизнинг далилидир. Мазкур Фармонда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг энг муҳим вазифалари ва йўналишлар белгилаб берилди.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, мустақиллик йилларида ҳозирга қадар мамлакатимизда аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш ва таъминлаш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг 22 та Қонуни, мамлакат Президентининг 11 та Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 22 та қарори ва бошқа қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Шуни ҳам айтиш зарурки, республикамизда фуқаролик жамияти қуриш асосий стратегик мақсад сифатида эълон қилиниши билан нодавлат нотижорат ташкилотларни ҳар томонлама ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Айниқса, аёллар нодавлат ташкилотларини тузиш ва шу орқали уларнинг фаоллиги ва мавқеини ошириш бу соҳадаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Мамлакатда республика миқёсида фаолият кўрсатаётган жамоат ва нодавлат ташкилотларининг 72 таси аёллар ташкилоти ҳисобланади. Бу ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида фаолият олиб бормоқдалар. Фикримизча, аёллар муаммолари мавжуд бўлган қишлоқ ҳудудларида бундай ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш, айниқса бу вазифа "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да устувор мавқега эга бўлишини унутмаслик керак. Аёллар нодавлат ташкилотларининг ҳар бирининг ўз дастурий йўналиши, мақсад-вазифалари бўлиши табиий албатта, бироқ бундан қатъий назар, улар пировард натижада хотин-қизлар манфаатлари ва ҳуқуқларини тўла амалга ошириш, хотин-қизларнинг оиладаги ва жамиятдаги ўрнини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатга таъсир кўрсата олиш қобилиятларини шакллантириш мақсадлари асосида фаолият юритаётганликлари таҳсинга сазовордир.

Аёллар ташкилотларининг давлат органлари билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш, уларни давлат дастурларини амалга оширишга жалб этиш табиий жараёнга айланди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси, унинг қошида тузилган ўнлаб нодавлат ташкилотлари, шунингдек, «Тадбиркор аёллар» ассоциацияси, «Олима» ассоциацияси, «Етакчи аёллар маркази», «Аёллар ресурслари маркази» бу борада алоҳида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Мамлакатда етти миллиондан ортиқрок ишчи, хизматчи, зиёли, тадбиркор, деҳқон ҳамда талабаларни ўзида бирлаштирган 14 та йирик касаба уюшмалари аъзоларининг ярмидан кўпини аёллар ташкил этади. Республика тармоқ касаба уюшмаларидаги раҳбарлик лавозимларида ҳам хотин-қизларнинг ҳиссаси каттадир. Республика касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси, вилоятдаги касаба уюшмалари кенгаши раиси, республика тармоқ касаба уюшмалари раисларидан 11 таси аёллардан иборатдир. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги тармоқлар касаба уюшмалари раҳбарларининг 35 фоизга яқини ҳам аёллардир.

Республикамизнинг барча вилоятлари, шаҳар ва туманларида Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ёрдамида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар учун янги иш ўринларини яратиш, жойларда ижтимоий кўникма марказларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун хотин-қизларни кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланишга ўргатиш мақсадида турли семинарлар ўтказилмоқда. Барча вилоятларда қатъий жадвал асосида «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда хотин-қизлар ҳиссасини ошириш»га қаратилган туркум семинарлар ўтказиш анъанага айланди ва улар ижобий самара бермоқда.

Мактаб, гимназия ва лицейларда иш олиб бораётган педагогларнинг қарийб 70 фоизи аёллардан иборат бўлганлиги учун ҳам ҳар бир ўрта, олий, ўрта махсус, ўқув юрти, коллеж, лицей, гимназия ва мактабларда хотин-қизлар қўмиталари бошланғич ташкилотлари фаолият юритмоқда ва улар ўз меҳнат жамоаларидаги аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланмоқдалар.

Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпроғи аёллардан иборат бўлиб, мамлакатдаги ишчи кучининг 35 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳозирги даврда давлат бошқаруви органларида ва маъмурий бошқарув органлари ходимларининг 17,5 фоизи, судьяларнинг 21,6 фоизи, умуман, ҳуқуқ ташкилотларининг 41 фоизи, нотариусларнинг 47 фоизи, суд ижрочиларининг 5 фоизи, адвокатларнинг деярли ярми, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг деярли ҳаммаси аёллардан иборатдир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон хотин-қизларининг жамият ҳаётидаги мавқеи анча ошди. Ўзбекистонда малакали кадрларни тайёрлаш, соғлом авлодни вояга етказиш, маънавий баркамоллигини таъминлаш соҳасидаги ходимлар ва хизматчиларнинг сафи ҳам аёллар билан тўлиб бормоқда.

Мамлакатда давлат қурилиши ва жамият сиёсий соҳасини эркинлаштириш сиёсати эълон қилиниши билан хотин-қизларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишида иштироки кенгайиб бормоқда. Натижада аёллар ижтимоий мавқеининг юксалиши учун қулай шарт-шароитлар туғилмоқда. Аёллар ҳиссаси 1994 йилги Олий Мажлисга сайланган депутатларнинг 6 фоизини ташкил этган бўлса (15 нафар), 1999 йилги парламент сайловларида бу кўрсаткич 9,4 фоизга (23 нафар) етди. 2004 йил декабрь ва 2005 йил январдаги Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатига бўлган сайловларда 21 нафар аёл қуйи палатага депутат, 15 нафар аёл эса сенатор бўлиб сайландилар. Бу кўрсаткич парламентда 16,4 фоизни (36 нафар) ташкил этди. Олдинги сайловларга нисбатан Қонунчилик палатасидаги депутатлар сонининг камайишига қарамасдан (250 нафардан 220 нафарга) аёллар овози деярли икки марта кўпайди.

2004 йил декабрдаги Олий Мажлисга бўлган сайловларда аёл вакилларнинг кўпайишига сиёсий партияларнинг парламент аъзолигига кўрсатадиган номзодларининг камида 30 фоизи аёллардан иборат бўлишига квота белгиланганлиги сабаб бўлди дейиш мумкин. Натижада айни вақтда мавжуд сиёсий партияларнинг аёл аъзолари ҳар бир партияда 15 фоиздан то 30,5 фоизгача бўлган кўрсаткични ташкил этади.

Сиёсий партиялар ҳақида сўз борар экан, 2008 йилнинг июнида янгидан ташкил топган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сафларида, чунончи унинг турли даражадаги бўғинларида аёлларга алоҳида эътибор қаратиш тизими яратилганини ғурур билан тилга олиш лозим. Бунинг замирида, биринчидан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аёлларни улуғлаш, эъзозлаш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсатга ҳамоҳанглик ётса, иккинчидан, аёлга юксак диққат-эътибор халқимизнинг азалий ва боқий қадриятларидан ҳисобланади. Партиямизнинг юз мингдан зиёд аъзоларининг ярмидан ортиқроғини хотин-қизлар ташкил этиши, улар орасида халқимизнинг кўзга кўринган номдор вакилалари тенгма-тенг фаолият юритаётганидан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Тўғри, сўз юритилаётган мавзуда ҳали ўйлаб кўрилиши зарур бўлган, ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас, мисол учун, аёлларни давлат бошқаруви органларидаги раҳбарлик лавозимларини эгаллашлари, нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлик соҳасидаги етакчилик ва ташкилотчилик салмоғини ошириш борасида янада кўпроқ ютуқларга эришиш имконияти бор. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш мақсадларидан келиб чиқиб, соғлом оиланинг жамият тақдирида жиддий ўрин эгаллаши хусусида тўхтала туриб, "...ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим", – деб ёзади ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида.

Ишонамизки, бу сўзлар аёлнинг жамиятимиздаги ўрнини янада юқори поғоналарга кўтариш борасида алоҳида саҳифани ташкил этади. Зеро, эндиликда ҳеч кимга сир эмаски, Ўзбекистоннинг ривожи кўп жиҳатлардан хотин-қизларни жамиятдаги ўрнини юксалтириш билан узвий боғлиқдир. Ватанимиз ва халқимиз келажаги, ҳозирги авлодга мерос бўлиб қоладиган миллий ва умуминсоний қадриятлар аёллар ва эркаклар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳар томонлама уйғунлашув даражасига бевосита боғлиқдир. Мазкур ҳақиқат ҳар бир ватандошимиз тафаккурининг мустаҳкам ғоясига айланиб улгурди деб баралла айта оламиз.

ДЕПУТАТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

## Келажак олдида барчамиз масъулмиз

### Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ана шу вазифани ўз фаолиятларида акс эттирмоқда

**Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида маънавий жиҳатдан етук, соғлом авлодни камол топтириш ишига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу хайрли мақсадга эришишда спортни, айниқса болалар спортини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.**

Шу боис ушбу йўналишда бир қатор муҳим ҳужжатлар эълон қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари энг аввало соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, Фармон ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортни оммалаштириш ва моҳир спортчиларни тарбиялаш кўзда тутилганлиги билан ҳам аҳамиятли. Ёшларимизни турли ташқи ва ёт ғоялардан асраш, уларнинг бўш вақтларини фойдали машғулотлар билан банд этишда спорт бениҳоя даражада катта ўрин тутади. Спорт жисмонан чиниқтириш билан бирга инсоннинг соғлигини ҳам мустаҳкамлайди. Соғлом танда эса албатта, соғлом фикр бўлади.

Юртбошимизнинг спорт соҳасига, айниқса болалар спортига алоҳида эътибор қаратаётганлари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг йиғилишларига шахсан раҳбарлик қилиши ҳам барчамизни чуқур мушоҳадага чорлайди.

- Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган навқирон авлод ўртасида спортни оммалаштириш ишларида партиядан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларимизнинг фаол қатнашаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Вилоятимизда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда,- дейди биз билан суҳбатда халқ депутатлари Оқолтин туман кенгаши депутати, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилояти минтақавий филиали раҳбари Норбобо Соатов. - Ҳаттоки марказдан энг олисда жойлашган қишлоқларда ҳам замонавий муҳташам спорт мажмуалари, стадионлар, бир-биридан кўркам спорт заллари, майдончалари бунёд этилди. Бу жойлар доимо ёшлар билан гавжум. Ёш спортчиларга кишининг ҳаваси келади. Биз ҳам мактабда ўқувчи бўлганмиз. У вақтда жисмоний тарбия дарсини ўтишга тайинли жой ҳам бўлмаган, қўлда тўп ясаб олиб тепиб ёки чанг тупроқ устида курашиб катта бўлдик. Юрагимизнинг тубида қолиб кетган орзу-армонларимизни мана энди фарзандларимиз кўряпти. Сирдарё вилоятида бу йил катта спорт тадбири бўлиб ўтади. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари" республика мусобақасининг финал босқичи Гулистон шаҳрида ўтказилади. Бу анъанавий спорт тадбирига катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Биргина, ўтган йил давомида вилоятда ўнта янги спорт мажмуалари барпо этилди. Гулистон шаҳридаги Марказий стадион, маданият саройи биноси капитал реконструкция қилинди. Гулистон, Оқолтин, Сирдарё, Боёвут, Ховос туманларида бир-биридан чиройли спорт иншоотлари бунёд этилди. Уларнинг барчаси энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди,-дейди суҳбатдошимиз. - Бунинг учун бюджетдан 93 млн. 200 минг сўм маблағ сарфланди.

Норбобо Соатов вилоятда ва ўзи депутат этиб сайланган Оқолтин туманидаги кам таъминланган, кўп болали оилаларга мурувват ёрдамларини мунтазам равишда уюштириб келмоқда. Депутатнинг саъй-ҳаракати туфайли эҳтиёжманд оилалар фарзандларига 142 млн. 800 минг сўмлик спорт кийимлари ажратилди. Шунингдек, 2 млн. 200 минг сўмлик жами 14 хилдан иборат спорт жиҳозлари тарқатилди. Депутат етакчилигидаги партиядошларимизнинг таклиф ва ташаббуслари билан жамғарманинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ ҳудудларидаги 40 та умумтаълим болалар спорт мактаблари, лицей ва коллежларига 68 млн. 326 минг сўмлик спорт жиҳозлари топширилди.

- Шаҳримизда ёшларимиз учун бир-биридан чиройли спорт иншоотлари қад ростлади,- дейди суҳбатга қўшилган халқ депутатлари Гулистон шаҳар кенгаши депутати, Шароф Рашидов номли 8-мактаб директори Барно Шодмонқулова. - Жумладан 6 та мактабда янги спорт заллари бунёд этилди ва бу хайрли ишларга 763 млн. сўм маблағ сарфланди.

Вилоятда партия фаоллари, партиядан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг саъй-ҳаракатлари билан болалар спортини ривожлантириш, ўқувчи ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш, уларни оммавий спортга янада фаолроқ жалб этиш ва "Умид ниҳоллари" финал босқичига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида тез-тез спорт беллашувлари ўтказилмоқда.



Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси Болалар спортини ривожлантириш вилоят минтақавий филиали билан ҳамкорликда Ширин шаҳридаги Нуробод спорт мажмуасида миллий кураш ва белбоғли кураш бўйича мусобақа ташкил этди. Беллашувда вилоят, шаҳар, туманлардан ташриф буюрган 300 нафардан зиёд ёш полвонлар иштирок этишди. Сўзга чиққан партия фаоллари, халқ таълими ходимлари мусобақа иштирокчиларига омадлар тиладилар. Оқсоқоллар қўлларини дуога очиб, Алпомиш ворисларига оқ фотиҳа бергач мусобақа бошланди. Миллий кураш бўйича Сайҳунобод, Мирзаобод, Боёвут туманларидан келган ёш полвонлар устунлик кўрсатдилар. Белбоғли кураш бўйича эса Ширин шаҳри, Ховос, Боёвут туманлари ёш спортчиларининг қўли баланд келди. Шаҳзод Қурбонов, Фарруҳ Ҳасанов, Элёр Отақулов, Сирож Жалилов, Ният Қўзибоев, Абдулла Абдумўминов, Бахтиёр Ҳамроев, Аброр Нуралиев, Нурбек Абдуғаниев, Ўлмас Эрназаров каби ёш полвонлар рақибларини доғда қолдириб, довруғ қозондилар. Умумжамоа ҳисобида ширинлик ёш спортчилар мутлақ ғолиб деб топилди. Ғолиблар ЎзМТДП вилоят кенгашининг ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Юртимизда ҳақиқий спортчиларни тарбиялаш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллат саломатлигини сақлашдек хайрли ишларда сирдарёлик партиядошларимиз ўз олдиларига янада улкан мақсадларни қўймоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшлар келажаги учун барчамиз бирдек масъулмиз.

